



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 24 май, № 105 (9000)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли фарзандларим!

Аввало, сиз, азизларни ҳаётингиздаги бугунги унутилмас қувончли воқеа — мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, етуқлик шаходатномасини қабул қилиб олаётганингиз ва мустақил ҳаётга қадам қўяётганингиз билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли айёмда мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд мактабда меҳрибон устозлар, ҳурматли ота-оналар иштирокида “сўнгги кўнғирок”лар жаранглаб, 450 минг нафардан ортиқ битирувчи ёшларимиз шаънига эзгу тилаклар билдирилмоқда.

Барчамиз бу фикрларга чин дилдан қўшилган ҳолда катта орзу-умидлар билан келажақ режаларини тузаётган ўғил-қизларимизга уларни амалга оширишда улкан куч-ғайрат, омад ва зафарлар тилаймиз.

Айниқса, мактабни олтин медаль билан битираётган 11 минг 500 нафардан зиёд фарзандларимизга, 2 мингдан ортиқ қушум медаль соҳибларига ўқиш ва излаишда, жамоат ишларида ўз тенгдошла-

рига доимо ўрناق ва намуна бўлиб келаётганлари учун алоҳида табрик ва тилакларимизни изҳор этамиз.

Азиз битирувчи ёшлар! Бугунги кунда биз ўз олдимизга қўяётган буюк максадларни амалга оширишда бутун халқимиз қатори билимли, ҳунарли, тадбиркор ва ватанпарвар, ҳар томонлама етуқ ёшларимизга таянамиз.

Келажагимиз эгалари бўлган навқирон авлодимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта бунёдкор куч сифатида иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиб бермоқдамиз. Жумладан, сизларнинг замонавий илм ва касб-ҳунарлар, она тили билан бирга хорижий тиллар, IT ва инновацион технологияларни, ижод ва тадбиркорлик соҳаларини пухта эгаллашингиз учун ҳозирги кунда 201 та олий ўқув юрти, 598 та техникум, кўплаб мономарказ ва технопарклар, кутубхоналар, маданият, санъат ва спорт муассасалари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Таълимнинг барча бўғинларида ўқув-тарбия ишларининг сифати ва натижа-

дорлигини ошириш, битирувчи ёшларимизга танлов имкониятларини кенгайтириш учун янги-янги тизим ва дас-турлар, электрон платформалар ишга туширилмоқда.

Сизлар ана шундай бекиёс имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ёшлик фаслининг олтинга тенг ҳар бир дақиқасини қадрлаб, келгусида Ватанимиз мустақиллигини, эл-юртимиз манфаатларини барча соҳаларда дадил ҳимоя қиладиган етуқ кадрлар, онгли ва олийжаноб инсонлар бўлиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қиласиз, деб ишонаман.

Шуни асло унутманг, одамзод ҳаётда муносиб ўрин топиши, эл-юртнинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлиши учун миллий ва умуминсоний қадриятларни эгаллаб, доимо олдинга интилиб яшаши, изланиш ва ўрганишдан асло тўхтамаслиги керак.

Ҳаёл ва машаққатли меҳнат, илм-га, касбга, ота-она ва оилга садоқат, ҳеч шубҳасиз, инсонни юксалтиради, унинг ҳаётини файзли ва чарогон этади.

Айниқса, сизлар каби навқирон, азмушжиоатли ёшларимизга шиддатли замондан ибрат олиб, ҳар куни бир натижага эришиб, иродангизни синовларда тоблаб, фақат ва фақат олдинга қараб бориш ярашади.

Аминман, сизларнинг янги ғоя ва ташаббусларингиз, турли соҳалардаги ютуқларингиз Янги Ўзбекистонни янада қудратли этадиган моддий ва маънавий асосларни барпо этишга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилади.

Сизлардек ўз кучига ишонган, қатъиятли ёшлардан кадрдон мактабингиз, азиз устозларингиз ва ота-оналарингиз, бутун халқимиз фақат эзгу ишлар ва ёрқин натижалар кутади.

Ана шундай юксак ишончга доимо муносиб бўлинг!

Интилиш, изланиш ва янгилик яратишдан асло чарчаманг!

Мустақил ҳаёт сари илк қадамларингиз қутлуг бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Учрашув

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Дуйшонқул Чотонов билан учрашув ўтказди.

Сўхбат чоғида сўнгги йилларда барқарор ижобий ривожланиши намоён этаётган Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди. Давлатлараро муносабатларнинг фаол ривожланишига икки мамлакат раҳбарларининг кучли сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари тубайли эришилгани таъкидланди.

Парламентлараро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мажлислари турли ҳудудларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Олий Мажлис ва Жогорку Кенеш ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия нафақат парламентлараро алоқаларни, балки ҳудудлараро фаол ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қўша лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишдан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

«Халқ сўзи».

Биз ва жаҳон

ШҲТ давлатлари оммавий ахборот воситалари форуми бошланди

Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳридан «Халқ сўзи» газетаси махсус мухбири Дилшод КАРИМОВ хабар қилади.

Хитойнинг Урумчи шаҳрида “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлатлари оммавий ахборот воситалари ҳамкорлик форуми — 2025” ташкил этилди.

“Жэньминь жибао” газетаси ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-уйғур автоном вилояти Халқ ҳукумати ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар, қузатувчи мақомидаги ва мулоқот шериклари ҳисобланган 26 мамлакатдан 300 дан ортиқ журналистлар, бизнес вакиллари, расмий шахслар ҳамда мутахассислар қатнашмоқда.

“Ҳамкорликда гўзал маскан, биргаликда фаровон келажақ қурмоқдамиз” шiori остида бўлиб ўтаётган форумнинг очилиш маросимида ШҲТ бош қотибининг ўринбосари Сухайл Хон, “Жэньминь жибао” газетаси бош директори Юй Шаолян, Қозғистон Маданият ва ахборот вазирлиги Ахборот қўмитаси раиси ўринбосари Алишер Мўкажон, “Қабар” Қирғизистон Миллий ахборот агентлиги ди-

ректори Медербек Шерматиев, Тожикистондаги “Азия-Плюс” медиагруҳи бош муҳаррири Умед Бабахонов ва бошқалар 2001 йилда ташкил топганидан буён ШҲТ ўзаро ишонч, манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилмаҳилликка ҳурмат ва ҳамкорликда ривожланиш тамойилларига, яъни “Шанхай руҳи”га содиқ қолаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдусайд Қўчимов ўз сўзида дунё миқёсида нуфузи тобора ошиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти жаҳон ҳамжамияти томонидан мунтазам эътироф этилаётганини айтди. Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатликда умумий маконимизда барқарорликка эришиш, тараққиётни таъминлашни ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.



Қонунчилик палатаси қўмиталарида

МАВЖУД КАМЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КўРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни мактабга тайёрлашнинг сифати ва бошланғич таълимни олишга тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини Сурхондарё вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш яқунларига бағишлаган йиғилиш ўтказилди.

Унда депутатлар, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги мутасаддилари, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти масъуллари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, мактабгача ва мактаб таълими тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларида ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб боришмоқда.

Йиғилишда Сурхондарё вилоятида мактабгача таъ-

лим муассасаларида тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг муҳокама этилди.

Маълум қилинишича, ҳозирги кунда вилоятда 3 105 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 472 таси давлат, 176 таси давлат-хусусий шериклик асосидаги, 2 447 таси оилавий ва 10 таси хусусий мактабгача таълим ташкилотидир. 3 — 7 ёшли болалар сони эса 268 108 нафарни ташкил этиб, ҳисобот кунига қадар 185 535 нафари мазкур муассасаларга қамраб олинган.

Вилоятда қамров даражасини ошириш бўйича давлат дастури доирасида



2025 йилда 27 та (8 та янги қурилиш, 19 та реконструкция) мактабгача таълим ташкилотида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик асосида 4 та 550 ўринли, 350 та оилавий нодавлат МТТ ташкил этиш орқали 10 877 ўрин, 6 ёшли болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари очиш ҳисобига 42 та гуруҳ, 1260 ўрин, Бан-

дихон ва Узун туманларидаги 4 та маҳаллада “Ақлвой” мобил гуруҳларини йўлга қўйиш эвазига 184, Жарқўрғон ва Шеробод туманларида “Илк ривожланиш марказлари”ни ташкил этиш натижасида 1000 ўринли қўшимча қувват яратиш белгиланган.

Йиғилишда депутатлар соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ўрганишлар довомида айрим камчиликлар ҳам қузатилаганини қайд этдилар.



Тараққиёт мезонлари



ЖАННАТ БОҒЛАРИГА МОНАНД ДИЁР

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, хушхабарлар устидан чиқасиз, хайрли, эзгу амалларнинг шоҳиди бўласиз. Тадбиркору хунармандлари, қўлигул деҳқонлари билан номи етти иқлимга кетган Гиждувон ҳам бундан мустасно эмас. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 апрелдаги “Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарори гиждувонлиқлар кўнглига бир олам қувонч бахш этди. Уларнинг эртанги кунга бўлган ишончига ишонч қўшиди.

Бухоронинг ардоқли фарзанди, шоир ва файласуф Садриддин Салим Бухорийнинг ёзишича, бу кўҳна гўшадан Хожа Алоуддин Гиждувоний, Мавлоно Поянда Сократеги, Сўфи Деҳқон Шўрчаги, Абдуҳолиқ Гиждувоний сингари кўплаб азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Дуои пир кетган бу жойдан савдо қарвонларининг қадами узилмаган, заргару зардўз, новвой, қандақору кулолларнинг қўли-қўлига тегмаган.

— Тарихий манбалардан маълум бўлиши-

ча, “Гиждувон” топоними “Зафарларга ёр муқаддас шаҳар”, “Гиштли девор”, “Экин экиладиган деҳқонлар манзили”, “Ғуж-ғуж девонлари, яъни масжиду мадрасалари кўп жой” деган маъноларни англатади, — дейди Бухоро давлат университети доценти Азалшох Ҳамроев. — Бу гўша бутун умрини инсоннинг маънавий-руҳий қамолоти йўлига сарфлаган ҳазрат Абдуҳолиқ Гиждувоний туғилган замин сифатида қадрланади. “Авлиёлар султони”, “Қутби замон”, “Ҳожаи жаҳон” номлари билан машҳур бобокалонимиз

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий томонидан алоҳида эъзозланган. Улар Гиждувонийни “шайх-уш-шууюх”, яъни шайхлар шайхи унвони билан таърифлашган. Бундай шарафга фақат уч буюк зот — Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний муяссар бўлган.

Мирзо Улуғбек айнан шу улуг аждодимиз мангу қўним топган қадамжода мадраса барпо этгани ҳам бежиз эмас. Дарвоқе, Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги тегишли фармойиши билан Абдуҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳроуддин Нақшбанднинг эса 700 йиллиги кенг нишонланди. Бу табарруқ зотлар хоки-пойи ётган манзиллар ободонлаштирилди.

Таҳоратхона, масжид, меҳмонхона, музей, китоб дўконлари барпо этилди.

Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар вилоятда ички ва ташқи туризмин янада ривожлантириш учун қулай имконият яратишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.



Ўзбекистон — Словения:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК КАФОЛАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 — 21 май кунлари Венгрияга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни кенгайтирилган стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш жиҳатидан тарихий аҳамият касб этди.

Акс садо

Мазкур ташриф натижалари парламентлараро ҳамкорлик учун ҳам беҳисоб имкониятлар очиб бермоқда ва икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкам асосларини яратмоқда.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Венгрия етакчилари билан олиб борган самарали музокаралари мамлакатимиз ташқи сиёсатининг йирик ютуғидир. Президент Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан томонидан Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўша декларациянинг имзолани-

ши икки давлат ўртасида самарали ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганининг ёрқин далилидир.

Ташриф доирасида Будапешт шаҳрида Венгрия Миллий мажлиси спикери Ласло Кёвер билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, парламентлараро йўналишда янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Шу маънода, мазкур учрашув парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун кучли пойдевор яратади, десак, янглишмаймиз.



РИШТАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусарнинг таклифига биноан 21-22 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Олий даражадаги учрашувлар давомида Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мазкур ташриф ва унинг аҳамияти борасида Олий Мажлис Сенати аъзолари ўз фикрларини билдиришди.



ФАОЛЛАШАЁТГАН ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР

Мамлакатимиз кейинги йилларда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим натижаларга эришмоқда. Президентимизнинг прагматик ташқи сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари, шу жумладан, Словения билан ҳамкорлиги мутлақо янги босқичга кўтарилиб, парламентлараро алоқалар ривожланиб борапти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Словенияга расмий ташрифи давомида Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришнинг долзарб ҳамда икки мамлакат учун манфаатли бўлган масалалар кўриб чиқилди.



«Вақтим мазмунли ўтганидан хурсандман»

— Ўтган асрнинг 30-йилларида тадқиқот ишларини олиб борган шарқшунос В. Шишкнинг эътиборини Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқидаги битиклар ўзига тортган. Унда, жумладан, “Бу улуг жой жаннат боғларига монанд макондир” деган ёзув бор эди, — давом этади А. Ҳамроев. — Мустақиллик шарофати билан миллий ва диний қадриятларимиз қайта кўз очди. Қадамжода янада файзли гўшага айланди. Қаранг, жаннатмонанд макондан сайёҳлар қадами узилмаяпти.

Дарҳақиқат, Буюк Ипак йўлидаги илм-фан ва маданият маркази сифатида жаҳонга танилган қадимий ўлкага Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Испания, Италия, Франция, Германия, Австралия каби дунёнинг кўплаб давлатларидан ташриф буюраётган сайёҳлар сафи кенгайиб бораётгани кувонарлидир.



ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ САРИ ҚЎЙИЛГАН АНИҚ ВА ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Илм-фан ва интеллектуал салоҳият энг катта бойлик саналган бугунги кунда ҳар бир давлатнинг стратегик мақсади иқтидорли, билимли ва замонавий фикрлайдиган авлодни тарбиялашга қаратилган. Глобал рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги бевосита ёшларимизнинг билими ва салоҳиятига боғлиқ. Шу боис иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади.

Мулоҳаза

Президентимизнинг 2025 йил 15 майдаги “Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббусини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам айнан шу мақсадларга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни келажақда мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар қилиб тарбиялашда муҳим қадам бўлади.

Фармонга мувофиқ мамлакатимиз бўйлаб иқтидорли ёшларни қамраб олувчи миллий дастур ишга туширилмоқда. Мазкур дастур доирасида ҳудудлар бўйича жами 1500 нафаргача квота ажратилиши кўзда тутилган. Бу эса ҳар бир вилоятдан энг иқтидорли ўқувчилар саралаб олинishiни таъминлайди. Дастур “Ерқин истеъдод” лойиҳасини ўз ичига олиб, 9-синф ўқувчилари танлаб олинади. Улар Иختисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларнинг тажрибали маслаҳатчиларига бириктирилади. Махсус онлайн платформа орқали 10 ва 11-синфлардаги таълим жараёнида қўшимча ўқишлар ташкил этилади. Бу ўқувчиларга ўз билимларини янада чуқурлаштириш ва келажақдаги олий таълим муассасаларига киришга тайёрланиш имконини беради.

Миллий дастур иштирокчилари учун дунёдаги етакчи олийгоҳларнинг қабул талаблари асосида агентликнинг “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳида қисқа муддатли интенсив ўқув курслари ташкил этилади. Бундай ёзги мактаблар ўқувчиларга нафақат билим беради, балки уларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришга, жамоада ишлаш қобилиятини шакллантиришга ва ўз тенгдошлари билан тажриба алмашишга имкон яратади. Шунингдек, бундай тадбирлар ўқувчиларни халқаро таълим стандартларига тайёрлаш ва уларнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Бундай хайрли ташаббуслар орқали олий таълим муассасалари ва жаҳон меҳнат бозорининг юқори талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардос кадрлар захирасини шакллантириш имконияти янада кенгайди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига катта ҳисса қўшадиган, жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлган мутахассислар етиштиб чиқишига замин яратади.

Фармонда Иختисослаштирилган таълим

муассасалари агентлиги тасарруфида академик ва молиявий мустақилликка эга Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернат ташкил этилиши белгилангани, айниқса, эътиборлидир. Шунингдек, мактаб фаолиятини бошқариш учун икки компонентли тизим жорий қилиниб, академик директор ўқув жараёнига, ижрочи директор эса маъмурий-молиявий ишларга масъул бўлади. 2025/2026 ўқув йилидан иш бошлайдиган мактабда ҳар 8 — 15 нафар ўқувчига маслаҳатчи бириктирилади, инглиз тилидан ташқари яна бир хорижий тил ўргатилади. Ўқувчиларнинг илмий тадқиқот, стартап ва ижтимоий лойиҳаларга йўналтирилган портфолиоси шакллантирилади. Битирувчиларга давлат шаҳодатномаси билан бирга етакчи хорижий олийгоҳларга кириш имконини берувчи “International Baccalaureate” дипломи ҳам берилади.

Яна бир муҳим жиҳат, 2027 йилдан эътиборан Ал-Беруний мактаби битирувчилари ва Миллий дастур иштирокчилари учун хорижий энг нуфузли (TOP — 100) университетларда тахсил олиш имконияти яратилади. Бунинг учун йилига 200 та квота ажратилади. Квоталар тақсимида ижтимоий ғимояга муҳтож ёшларга ва грант асосида ўқишга қабул қилинганларга устуңлик берилади. Агар танлаб олинган талабгорлар сони 200 тадан кам бўлса, қолган ўринлар автоматик равишда бошқа номзодларга берилади. Агар талабгорлар сони 200 тадан ортқк бўлса, энг муносиблари танлов асосида саралаб олинади.

Бу механизм иқтидор ва меҳнатни қадрлаб, имкониятларда тенглик ва шаффофликни таъминлашга қаратилгани билан ҳам эътирофга лойиқ. Хорижий таълим учун жорий этилган бундай адолатли ва шаффоф квота сиёсатини қўллаб-қувватлаш мумкин. Ушбу ёндашув ҳар бир иқтидорли ёшга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ҳам зўр имкон.

“Президент иқтидорли фарзандлари” ташаббуси — Президентимизнинг ёшларга бўлган юксак ишончи ва сиёсий иродасининг яққол намунаси. Бу, айниқса, янги таҳрирдаги Конституциямизда мустақамлаб қўйилган таълим ва ёшлар ҳуқуқларининг амалдаги ифодаси сифатида аҳамиятлидир.

Ушбу Фармон янги Ўзбекистоннинг билимли, ватанпарвар ва глобал фикрлайдиган кадрлар воситасида тараққий этишига хизмат қилувчи муҳим стратегик ҳужжатдир.

Шаҳноза ХОЛМАХАМТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Судья адолат, виждон ва ҳалоллик билан «қуролланган» бўлиши керак

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу жараён нафақат иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг муваффақиятига таъсир қилади, балки жамиятда адолат, шаффофлик ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳам стратегик аҳамият касб этади.

Нуктаи назар

Коррупцияга қарши курашнинг марказида суд ҳокимиятининг ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки судьялар жамиятда адолатнинг тимсоли сифатида хизмат қилади. Уларнинг ҳар бир қарори ва ҳаракати қонун, виждон ҳамда ахлоқ мезонларига мос бўлиши шарт.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашнинг самарадорлиги судьяларнинг малакаси, касбий тайёргарлиги ва ахлоқий позициясига боғлиқ. Бу жараёнда Судьялар олий мактабининг ўрни муҳимдир. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу даргоҳ Ўзбекистонда адолатли, ватанпарвар ва фидойи судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган ягона иختисослаштирилган таълим муассасаси сифатида фаолият юритмоқда.

Мактаб фақат назарий билим бериш билан чекланиб қолмай, судьяларнинг ҳуқуқий онги, ахлоқий позицияси ва коррупцияга қарши ички иммунитетини шакллантиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган.

Айтиш жоизки, 2024-2025 йилларда Судьялар олий мактабида коррупцияга қарши кураш бўйича махсус ўқув курслари, тренинглар ва амалий машғулотлар фаол йўлга қўйилди. Ушбу дастурлар БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТТ) ҳамда Европа кенгаши каби халқаро ташкилотларнинг тавсияларига асосланиб ишлаб чиқилган бўлиб, миллий қонунчилик ва амалиёт билан уйғунлаштирилган.

Ўқув дастурлари орқали Судьяларга коррупцияга қарши миллий ва халқаро қонунчилик асослари, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чуқур ўргатилади. Бу уларга коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва ҳуқуқий баҳолашда ягона ёндашувни шакллантиришга ёрдам беради.

Муассасамизда мунтазам ўтказиладиган малака ошириш курсларида “коррупцияга қарши шахсий позицияни шакллантириш” асосий ғоя сифатида тарғиб қилинади. Ушбу курсларда қиёсий таҳлиллар, симуляция асосидаги машғулотлар ҳамда ҳуқуқий психология бўйича семинарлар орқали судья-

лар реал ҳаётий вазиятларда ҳолис ва адолатли қарор чиқариш кўникмаларини оширади. Бу жараён судьяларнинг нафақат ҳуқуқий, балки маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ҳам тайёр бўлишини таъминлайди.

Яна бир жиҳат, коррупцияга қарши курашда рақамлаштириш муҳим воситадир. Ўзбекистон Республикаси судларида шаффофликни таъминлашга қаратилган мазкур тизим инсон омилини ҳамда коррупциявий хавфларни камайтиради. Мурожаатларнинг электрон шаклда қабул қилиниши эса шаффофликни таъминлайди. Суд мажлисларидаги видеоёзувлар жараёнларнинг очиклигига хизмат қилади ва судьялар фаолиятини мониторингдан ўтказиш имконини яратади.

Судьялар олий мактаби ушбу технологиялардан фойдаланиш бўйича тингловчиларга ўқув-усулбий ёрдам кўрсатиб, уларни замонавий касбий талабларга мослаштиради. Бу касб соҳиблари нафақат ҳуқуқий билимларга эга бўлиши, балки адолат, виждон, ҳалоллик ва масъулият каби қадриятлар билан сугорилган бўлиши керак. Муассасамизда фақат ҳуқуқий билим билан чекланиб қолмай, уларнинг маънавий ва ахлоқий позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўқув дастурларимиз Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу жараёнда суд ҳокимиятининг ўрни беқийёс бўлиб, судьялар жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Муассасамиз адолатли, ватанпарвар ва коррупцияга қарши иммунитетга эга касб соҳибларини шакллантиришда муҳим платформа сифатида хизмат қилмоқда.

Судьялар олий мактаби замонавий ўқув дастурлари, рақамлаштириш ташаббуслари ҳамда ахлоқий тарбия орқали судьяларни тайёрлаш жараёнида Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегиясига мувофиқ иш олиб бормоқда.

Мазкур жараёнларда ҳар бир судья нафақат ҳуқуқий билимлар, балки адолат, виждон ва ҳалоллик каби қадриятлар билан қуролланган бўлиши керак. Бу Ўзбекистон Республикасининг коррупциядан холи, адолат устувор бўлган жамият қуришдаги асосий мақсадидир.

Низомиддин ЭРНАЗАРОВ,
Судьялар олий мактаби девоҳона мудири.



Табиий офат туфайли беш киши ҳалок бўлди

Хиндистон пойтахти Деҳлида кучли жала ва йирик дўл оқибатида беш киши ҳалок бўлди.

“The Times of India” нашрида хабар беришларича, тўсатдан юз берган жала билан боғлиқ ҳодисалар туфайли камида 11 киши тан жароҳати олган. Кучли дўл ва шиддатли шамол бутун шаҳарга зарар етказиб, транспорт ҳаракатини издан чиқарди.

Қўллаб дарактлар илдизи билан кўпорилган. Ижтимоий тармоқлар ҳаракатланаётган транспорт воситалари устига дарактлар қулаб тушаётганини акс эттирувчи видео ва суратлар билан тўлиб-тошди. Шаҳарнинг бир қатор ҳудудлари электр таъминотидан узилди.

Пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш борасидаги қонун лойиҳаси тасдиқланди

Ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилади. 2030 йилга бориб данияликлар 68 ёшдан, 2035 йилда 69 ёшдан, 2040 йилда эса 70 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин.

Ҳозир пенсияга 67 ёшдан чиқилади. Ислохотни қўллаб-қувватловчилар буни ўзгарувчан демографик вазиятга мослашиш зарурати билан изоҳламоқда.

Таъкидланишча, Данияда умр кўриш давомийлиги барқарор ўсиб борапти. Дания расмийлари янги ёндашув келажақда пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини айтмоқда.

Фермер олтин топиб олди

“Мен ўзимнинг ер участкамда режалаштирилган текширувни ўтказаятган эдим. Шу пайт ерда ғалати бир ялтиришни кўриб қолдим”, деди франциялик фермер Мишел Дюпон.

Қонунга кўра олтин давлат ихтиёрига ўтиши керак. Шу сабабли, Франция ҳукумати вазиятга зудлик билан аралашиб, фермер топиб олган олтинларни мусодара қилган.

Эндиликда Дюпон ўз ерида қазиш ишларини амалга оширмоқчи бўлса, ҳукуматдан рұхсат олиши керак. 150 тоннага етадиган қимматбаҳо металл захираси 4 миллиард еврога баҳоланмоқда.

Мишел Дюпоннинг сўзларига кўра олтин топилганидан кейин унинг ер майдони атрофдаги ҳудудларга талаб кескин ошиб кетган.

Дунё бўйлаб салкам 7 миллион украиналик қочқин қайд этилган

Мамлакат Иқтисодиёт вазирлигининг “Украина иқтисодиётидаги асосий воқеалар мониторинги — 2025 йил, март” ҳисоботига таяниб, “РБК-Украина” нашри мухбирининг хабар беришича, қочқинларнинг аксарияти 2022 йилдан сўнг Украинани тарк этган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ҳисоботда таъкидланишича, БМТнинг Қочқоклар ишлари бўйича Олий комиссари маълумотларига кўра 2025 йил 17 апрель ҳолатига бутун дунё бўйлаб Украинадан 6,918 миллион қочқин (Европада 6,358 миллион ва ундан ташқарида 0,56 миллион) қайд этилган.

Манбаларда айтилишича, энг кўп украиналик қочқинлар Германия (1 миллион 443 минг), Польша (999,7 минг), Чехия (401,4 минг), Буюк Британия (254 минг), Испания (235,7 минг), Италия (171 минг) ва Францияда (70,1 минг) истиқомат қилмоқда.

Бундан ташқари, 2022 йил 30 июнь ҳолатига кўра Россияда 1,2 миллион, Беларусда эса 2025 йил 31 март ҳолатига 44 минг қочқин қайд этилган.

Украина Марказий банкнинг башорат қилишича, жорий йилда яна 200 минг киши мамлакатни тарк этади. Марказий банк уларнинг қайтиши 2026 йилдан бошланишини (таҳминан 0,2 миллион киши) ва 2027 йилда тезлашишини (таҳминан, 0,5 миллион киши) кутмоқда.

1 миллионга яқин ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқ бўлиб кетиш хавфи остида

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра биологик хилмаҳиллик инсоният учун беқийёс қадрият бўлишига тобора кўпроқ эътибор қаратилаётганига қарамай, инсон фаолияти оқибатида у жадал суръатларда камайишда давом этмоқда.

“Биологик хилмаҳиллик — бу ҳаёт асосидир, барқарор ривожланишнинг пойдеворидир”, деди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш.

Унинг айтишича, инсоният биологик хилмаҳилликни чақмоқдек тезликда йўқ қилмоқда. Бунинг сабаблари: атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқлим инқирози, экотизимларнинг емирилиши ва қисқа муддатли манфаатлар таъқиб.

Антониу Гутерриш ишлаб чиқариш ва истеъмолга бўлган ёндашувларни тубдан ўзгариштиришга чакирди.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Мамлакатимизда совуқ сувда яшовчи балиқларни етиштирувчи хўжаликларнинг сони 41 тага, қуввати 8,3 минг тоннага етказилди.

